

ЌАҲРАМОН АРМИЯ

1943й.



♦ Курск ёнида қонли жанглар эллик кун давом этди. Душман бу ерда 50 дан ортиқ дивизиясини, шу жумладан танк ва моторлашган 20 та дивизияни тўплаган эди. Курск остонасидаги жанг фашист вермахтини ҳалокат еқасига олиб келди. Гитлерчилар бу ерда ярим миллиондан ортиқ солдат ва офицеридан ажралди.

♦ «Бу чегараларда 1943 йил 4 февралда Қора денгиз флоти денгизчиларининг десанти туширилди... 225 кун давом этган қақшатиқ жангларда қаҳрамонона совет денгизчилари ва солдатлари, десантчилар Кичик ер деб аталган истеҳкомни сақлаб қолдилар. Ҳал қилувчи штурм шу ердан бошланди. [Кичик Ера ҳайкалидаги ёзув].

♦ Днепрдаги жангларда кўрсатган jasurligi ва қаҳрамонлиги учун 2000 дан ортиқ жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. [КПСС тарихи китобидан].

1944й.



♦ 900 кун давом этган Ленинград қамали 27 январда тугади.

♦ Украина fronti қўшинлари 26 мартда Прут дарёсида СССРнинг давлат чегарасига чиқдилар.

♦ 23 июнда Белоруссияда гот катта ҳужум бошланди. Совет қўшинлари сўста-вида 2,5 миллиондан ортиқ жангчи қатнашди.


♦ 1944 йил ёзига келиб Белоруссиянинг босиб олинган территориясида умумий сони 143 минг кишилик 150 та бригада ва 49 та алоҳида партизан отрядлари жанг қиларди.

1945й.



♦ 16 апрелда Берлин операцияси бошланди. 1 май эрта тонгда таслим бўлган рейхстаг узра Галаба байроғи қилпиради.

♦ Қизил Армия ўзининг ҳалоскорлик миссиясини шараф билан бажарди. У босиб олинган мамлакатлар халқларининг мададига таяниб, босқинчи душманларни Польшадан, Чехославкия, Югославия, Болгария, Руминия, Венгрия, Австрия, Шимолий Норвегия, Хитойнинг шимолий шарқий вилоятлари ва Шимолий Корейдан қувиб чиқарди. Босқинчилар оёғи остида топталган мамлакатлар қайта миллий мустақилликка эга бўлдилар.



Волгоград шаҳрида Сталинград мудофеаси қаҳрамонлари шарафига ёдгорликлар ансамбли яратилган. Суратда: она-Ватан ёдгорлиги.



Узоқ кутилган кун етиб келди. Совет жангчилари Егоров билан Кантария Берлиндаги Рейхстаг устига Галаба байроғини тикидилар. Су ратда: совет байроғи Берлин узра қилпирамоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ИНТИЗОР

Жангга кетдинг, сен азизим, қолди дилдор интизор, Куш гирён, бағри бирён ошайтзор интизор, Жангга кирдинг, ёш кирдинг қаҳрамонлик кўрсатиб, Сен яшаб ўскан Ватан — тулшан бу гулзор интизор. Эл учун жондан кечиб, бўлдинг ватан қурбони сен, Қон ютиб кутган сени севган вафодор интизор. Едигоринг, Баҳтиёринг — севгили фарзандларинг, Суратингга термузиб тулларда бедор интизор, Окалар кўз ёш тингай, ёрлар эса тул қолмағай, Тинчлик постида эллар турса хушёр интизор. Эду-юрт ҳаргиз унутмас, қаҳрамон фарзандларинг, Бош эгиб, гуллар тўшиб қабрингга, тақдор интизор.

КАМТАР.

ЖАҲОН ОЛҚИШЛАЙДИ

♦ ФАШИЗМ Совет Иттифоқидек тинчлик кўрғонига ўз бошини уриб мажлақлади. Совет Иттифоқи халқлари уруш бошларига тушган вақтда ўз бурчларини шараф билан бажардилар.

Пальмиро ТОЛЪЯТТИ.

♦ 9 МАЙ кунни социализмнинг мустақамлигини исбот қилди. Социализм мамлакатини шундай бир тарзда қайта қурдики, у тарихдаги энг оғир урушда ҳам галаба қозона олди.

Андрэ ВЮРМСЕР, француз публицисти.

ҲАММА НАРСА ФРОНТ УЧУН

ОНА тупроғимизга фашист галапарни ҳиёнаткорона бостириб кириш билан бутун совет халқи оёқга турди. Фронт ортда «Ҳамма нарсa фронт учун!» деган шор остида фронт учун қурол-аслаҳа ва ўқ-дорлар ишлаб чиқара бошланди. Бу корхоналар орасида «Таштекстильмаш» заводи ҳам бор эди. Муҳбиримиз Буюк Галаба байрам арафасида завод касба союзи комитетининг раиси Комилжон Обидовга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Комилжон ака, корхона коллективининг уруш йилларидаги фаолияти тўғрисида гапириб берсангиз?

— Аввало шунинг айтиш кераки, бизнинг заводимиз уруш даврида бунёдга келган. 1942 йилда корхона Гостов шаҳридан кўчириб келирилган. Станоклар ва машиналар билан биргаликда корхонанинг ишчилари ва мутахассислари ҳам Тошкентга кўчиб келиб, шу ерда фидокорона меҳнат қила бошладилар. Улар заводга қабул қилинган янги ишчиларга турли касбларни қисқа муддатларда ўргатишди. Завод санокли кунларда қуриб битказилиб, фронт учун минерал чиқариш ўлаштирилди. Коллективимизнинг 15 мингдан ортиқ аъзоси кечани-кеча, кундузи-кундуз демай ўз иш жойларида жонбозлик кўрсатди. Ишчилар ўз хоҳишлари билан гоҳида туялари уйларига қайтмай, станоклари олдида кетмас эдилар. Улар ўзлари чиқараётган ҳар бир киби Ватанимиз озодлиги учун муҳим хисса бўлиб, қурилишнинг, фашистларни хонавайрон этишини ахши билишарди.

— Ҳозир ҳам ўша пайтда ишлаганлар ва завод билан бирга кўчиб келган ишчилар корхонада меҳнат қилишадиган бўлсалар керак!

— Ҳа, албатта. Мирза Нисовни айтиш мумкин. Мирза ака 1942 йилда заводга ишга келганларида 15 ёшда эканлар. Уша даврдан бундан соловчи касба ишлаб келатилар. 15 ёшда катта-катта станокларни сошлаш, суткасида 16—20 соатлаб меҳнат қилишнинг ўзи қаҳрамонлик!

— Кунинг 3—3,5 минг мининг деталларига ишлов берарди, — дея эслайди Ҳафиза опа. — Деталлар оғир эди. Лекин биз фронтда жанг қилётганларнинг аҳолини бизнинг енгил эмаслигини ҳар кун радиодан эшитиб, газеталардан ўқиб турардик.

Шунингдек, завод билан бирга Ростовдан кўчиб келган ишчи ва хизматчиларнинг 40 дан ортиғи ҳозирги кунда ҳам корхонада самарали меҳнат қилишяпти. Мастер А. Соловёв, йулушчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Орлов, асбобсозлик цехининг бошлиғи В. Тригубовлар шулар жумласидан. Биз бутунги шодёна арафасида фронт учун махсус ишлаб чиқарган ва ҳа-нузгача ўз меҳнат постларида

турган ветеран ишчиларимиз Маҳкам Эрнзаров, Алексей Пак, Виктор Ржанников, Талгат Сафарғалиев, Сунатилла Хикматуллаев ва унинг турмуш ўртоғи Марям Хикматуллаевларнинг номларини хурмат билан тилга оламиз.

— Буюк Галаба байрамининг қандай совғалар билан кутиб олаёсизлар?

— Янги йилнинг дастлабки кунларидан Галаба байрамига меҳнат совғалари тайёрлашга киришдик. 3-механика цехи бошлаб берган ташаббусни бошқа цехларнинг коллективлари ҳам қўллаб-қувватлашди. Ҳар бир цех коллективи Ватанимизнинг қаҳрамон шахарлари шарафига зарбдор меҳнат декадалари эълон қилди. 3-механика цехи зарбдор ўн кунликда ишлаб чиқариш топшириқларини ҳар қачонгидан ҳам ошириб бажариб, Тинчлик фондига 700 сўм маблағ жўнатди. 1-механика цехи ҳам зарбдор декадада пландан ташқари анча кўп маҳсулот тайёрлади. Тинчлик фондига 722 сўм юборилди.

Бундан ташқари, корхона комсомол-ёшлари биринчи февралда «Ўша йигит учун» шiori остида меҳнат қилиб, шу кунги иш ҳақларини урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатиладиган обелиск учун жўнатишди. Ҳозирги кунларда Волгоградская кўчасида бунёдга келган Қаҳрамонлар хиёбонини қуришда заводимиз комсомоллари актив иштирок этдилар.

Уруш йилларида фронт ортда қаҳрамонона меҳнат қилган коллективимиз ишчи ва хизматчилари Ватанимиз равиқли кўлида бутун нечагидан, эртага бутунгидан самаралироқ ишлашга ҳаракат қил-яптилар.

ВАЛИ ҒАФУРОВ—СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтида Буюк Галабанинг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувга ишга билан ёзилган «Вафодори романининг» автори собиқ жангчи Вали Ғафуров таъриф буюрди.

Учрашувда тарих ўқитувчиси Ж. Ҳолматов, студент М. Юнусалиевлар ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди. Студентлардан Я. Курбонов, Р. Дусумбеков, Х. Рузиматов ва бошқалар роман ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, авторга бундан буёнги ишларида ижодий муваффақиятлар тилашди.

Шундан сўнг Вали Ғафуров ўзининг уруш хотираларидан ҳикоя қилиб берди. Учрашув охирида институт бадий ҳаваскорлари қизқарли концерт программасини намойиш этдилар.

И. ЭРҒАШЕВ.

МАЙ ОҚШОМИДАГИ ЎЙЛАР

Дўстлар, келинг, бугунги дилик май оқшомида, муборак ғалабамизнинг 30 йиллиғи нишонланаётган пайтда жанговорона чўнг тарихимизнинг зар-варақ саҳифаларини бир кўздан кечирайлик. Шу улуг айём кунларида Волга соҳилларидан Элъба қирғоқларига қадар дахшатли уруш йўлини босиб ўтган гойиб солдат оталаримиз, ака-укаларимиз ва описангилларимизни эслаймиз.

Уруш ларза солиб ўтмаган қабл йўл. Ўнг ҳечким, ҳатто аялдор-аждодларимиз ҳам унутмайди ва унуттишга ҳаққи йўқ! Бундан ўттиз йил муқаддам худди мана шу бутунгидай оламлар қийнос гуллаган, шафолар бари қарам туса кўрган, табиат ўз жароҳатларини тўзатаётган бир пайтда галаба оқшомини байрона кўл тепалардан иборат муқороба майдонида намойиш қилган эдик. Ушанда тутунлар куйиндисин ичидан қайта ёшариб чиқаётган совет халқи Галаба байроғини баланд кўтарган, унга 1945 йил, 9 МАЙ деб ҳалоскорлик тарихининг муҳрini босган эдик.

— Гитлерчилар қароргоҳи — Берлин мағлуб бўлди, фашистлар оқ байроқ кўтарди! — деб Москва радиосидан Левитаннинг жарангдор овози эшитилган ва шаҳарлар устида салютлар янграган эдик.

Оламшумул бу ғалабага биз поёндозлардан юриб келганимиз йўқ. Унга жангоҳлар ичидан кечиниб ва душманин чекитириб, беҳад оғир йўл босиб келдик. Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир завод, ҳар бир электростанция, ҳар бир колхоз-совхоз ва ҳар бир кўча учун жон бериб, жон олдик, энг яқинларимиздан, жи-

гардушларимиздан айрилдик... Ҳа, галаба бизга жуда қимматга тушди. У совет кишилар учун азиз ва муқаррам.

Бизнинг, бугунги тўқис иттифоқимиз, тинчлик ва барқарорлигимиз, самимий дилкашлигимиз пойдеворларини бобомиз В. И. Ленин қўйган. У миллатлар биродарлиги бобида халқлар бирдамлигини намойиш қилган, дўстлик муҳаббатини кишилар қалбига жо қилган эди. Азалли ёру-биродарлигини, бирини-қондошлигини, жондошлигини, қуд-қудайлигини ва ниҳоят ба-мисоли бир бодомнинг алакат мағзи эканлигини ҳам яна ўша ленинчи Коммунистлар партияси рўёбга чиқарган эди. Ана шу дўстлигимиз, жанговар басталишимиз. Улуғ Ватан уруши йилларида ана ҳам тобланди. У янги олинган аяналар билан боиндики, бу улуг фазилат ўн беш қардош овозини ҳамоҳанг жарангла-тиб турбди. Энди, бундан ўттиз йил аввалги гойибларнинг жасоратларидан кўра ҳозирги ўил-қизларимизнинг муъйизалари тўғрисида кўпроқ гапир-гинг келадик.

Улар ҳозир бизга кулраимизнинг фазодан қай тарзда қури-нишини, атом реакторининг қандай режимида ишлашини, электрон-ҳисоблаш машинаси-дан қандай фойдаланиш лозим-лигини ёрқин фактлар билан айтиб бермоқдалар. Фан-техника асрининг буюк шунқорла-рига ана шундай қаҳрамонлик кўрсатиш ҳуқуқини бизлар, улуг Ватан урушининг қат-нашчилари жангу-жадалларда курашиб олиб берганмиз. Ҳўш, бу шунқорлар қилар? Улар ҳамма ерда — Болтиқ деңизини дан Қурил сислаларига, со-вуқ Муз океанидан Афғонис-тоннинг жазирама соҳилларига...

Ҳўш, қўйингчи, совет киши-ларининг қалби қаерда тегиб турган бўлса, ўша жойда ҳозир ва нозирдилар.

Чунончи, латинлар юрти-нинг пойтахти Рига шаҳрини озод қилишда тегиб йўқ жасо-рат кўрсатган («Қаҳрамон изи-дан» повестининг қаҳрамони).

Мумтоз МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, запасадаги гвардиячи майор.



Кеча Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи тарихи музейи очилди. Суратда: музейга кираверишда совет жангчиси хотирасига ўрнатилган ҳайкал.

А. Тўраев фотоси.

ЗАҒАР ТОНГИ

Зафар билан ўтди кўп жойини. Ҳаёт-мамонт курашида халқ Еш авлодлар учун бахт берди.

Чаман юрдада ўсди гуллар гарб,

Ўғил, қизлар қувишаиб терди.

Бугун шонли кўшини, халқимиз — Зафар қуни шодон кутади. Ўғилнинг ташларкан назар, Зафар йўли бир-бир ўтади.

Илбс МУСЛИМ
9 май, 1945 йил
Берлин.

Олам-олам ютуқлар билан Донг таратди қирқ бешинчи йил. Ёнг ашаддий фашистлар билан — Курашларда гойиб чиқди эл. Мард фарзандлар улуг жиходда Янчида фашист ва самурайини. Зўр қўшинлар пилда, отда



Суратда: Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков (чапда) Польшанинг Модлен шаҳридаги командирлик пунктда вазиятга баҳо бермоқда.



Суратда: жангчиларимиз Киев шаҳри учун жангга кириш-дилар.



Суратда: озод этилган Керчь шаҳрида. ТАСС фотохроникаси.



шахрига учасиз. Махфий пакет бор. Қандай бўлмасин уни тоғга-ча фронт штабига етказиб бериш керак. Тошхирни ниҳоятда масъулиятли. Ўнда сизга душман самолётлари ҳужум қилиб қолгани мумкин. Сиз фашистлар вақтинча босиб олган территория бўйлаб

орасидан пастга томон кетди. Шарифнинг икки кўзи ерда эди. Қўнишга қулайроқ жой изларди. Ана, қорайиб турган бутазорлар липиллаб оғдира бошлади. Ҳозир кенг дала бошланади. Нима бўлса ҳам шудгорланган ерга бориб қўниш керак.

САМО ШУНҚОРИ

ФРОНТ ЛАВҲАЛАРИ

— Махсус тошхирни байжаришда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун гвардиячи капитан учувчи Шариф Тешабоевга қўмондонлик ташакуртини эълон қиламан.

— Совет Иттифоқида хизмат қиламан.

Эскадрон командири аста йилмайиб Шарифнинг елкасига қўлини қўйди. У табиятан жиддий, камган одам эди. Лекин, бугун негизда вақти чоғдек кўринади.

— Фронт штабидан қўнғироқ қилишди. Ҳаммасини ешитдим. Боплабсан, азамат!

Командирнинг мақтовидан бироз ўнгайсизланган Шарифнинг юзларига дов этиб қон югурди. Ўша тунги жангда қандай қилиб омон қолганига ҳозир ўзи ҳам ҳайрон эди.

Шариф навбатдаги учушдан қайтиб, кечкурун дўстлари билан бамайлихотир овқатланиб ўтирган эди, ошона оstonасида навбатчи кўрипти.

— Капитан Тешабоев, сизни штабга чақиряпти.

Эскадрон командири Шарифга юзланди:

— Икки соатдан сўнг Уюм

учасиз. Агар юрагингиз дов бермаса, ҳозирроқ айтинг.

— Тошхирни байжаришга руҳсат беринг, ўртоқ полковник!

Командир харитани ёзиб, Шарифга ўн беш минутча инструктор берди.

Эрта баҳорнинг булутли тунги эди. Самолёт учиб майдонидан енгил қўтарилди. Булутлар устида у қўн узмади. Қўнмаганда атрофда душман «мессер-шмит»лари пайдо бўлиб қолди. Шариф энгиллик билан самолётини, яна баландлатди ва олдинроқда учиб бораётган «мессер-шмит»нинг устига пулемётдан бир сизира ўқ еттирди. Чамаси ўқларнинг бири моторга теккан бўлса керак, душман қўзғуни тутатганича пастга қараб шўнғиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтмай штурман ўнг буйиқдан келатган иккинчи «мессер-шмит»ни аниқ нишонга олди. Лекин, ўзи каттиқ яралланган эди. Ўқ теккан ўнг елкасини маҳкам чаплаганича учинчи «мессер-шмит»га қарата ўқ узди.

— Бахминиз ёнапти, ўртоқ капитан. Тезроқ қўниш керак, — деб қолди у бир пайт.

Шариф тез ривожини бўшатди. Самолёт тувиллаганича булутлар

Экипаж аъзолари набиладан чиқишга ҳам улгурмай самолёт олдида олти автоматчи пайдо бўлди. Улар ўзимизчилар эди.

Фронт штабидан бошланган махфий пакетни олди-да, Шарифни бағрига босди.

— Яна, азамат. Мана энди бир гапига ҳам ҳужумга ўтиб, душманнинг домини берамиз, — деди у.

— Сизлар ҳозир дам олдинглар. Кечга томон ўз қисмларингизга учиб кетасизлар.

Қисмда Шарифни яна икки тошхирни кутарди. Душман аэропортини портлатишга бораган самолётини алданибди. Вомбаларини қалбаки аэропорт устига етдириб қайтди. Буни алоқачи маълум қилди. Нима қилиб бўлса ҳам душман аэропортини шу бугунроқ яқин қилиш лозим.

Капитан Шариф Тешабоев душман аэропорти кватраларини планшетага аниқ белгилаб олди. Алоқачи қизил ракета отиб сигнал бериши керак. Ракета отилган жойдан ўн километр нарида душманнинг аэропорти жойлашган.

Гудна кўн бағрига ёриб бораётган Шариф алоқачининг сигнални аниқ илгаб олдишга ҳаракат қиларди. Вақт ярим кечадан оққа

нида, самолёт мўлжалланган кватраларга кирди. Алоқачи отган ракета ҳам чўгдек бўлиб қўнган ташланди. У мўлжалдаги майдон устида икки марта доира ясаб, самолёт бортидаги бор бомбанинг ҳаммасини душман бошига еттирди. Кучли портлашдан ҳамма ёқ еришиб кетди.

Шундан сўнг ҳам Шариф неча бор душман қўзғуларига чап берди. Ладога қўли устидан қамалдаги Ленинградга озиқ-овқатлар, ўқ-дорилар ташиди, ярадор ва ёморларни марказий госпиталларга олиб кетди. Нега бор душман орқасига десантлар ташлади, партизанларга мадад берди. Самолёт кўрсатган мардлиги ва жасорати эвазига иккинчи даражали Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари, қатор жанговар медаллар билан таъдирланди.

— Бир чеккага ёзиб қўйинг, — дейди Шариф аканинг ҳаммаси Лутфулла Бобоҳўжаев. — Акаларини Ҳолмурод ва укалари Ориф ҳам урушнинг биринчи кундан сўнгги кунгача Ватан осмонини душмандан ҳимоя қилишган. Қўраларидаги шода-шода орден ва медаллар ўша жанговар йилларда кўрсатилган жасоратга гувоҳ. Урушдан кейин ҳам улар ҳалол меҳнат қилиб эл хўрматига сазовор бўлишди, обрў-эътибор топишди. Ака-укаларга ҳамманинг ҳаваси келадди.

Ҳа, уруш тутагач ака-ука учувчилар республика аэрофлотини ривожлантиришга бел боғлашди.

Аэрофлот аълочили Шариф ака Тешабоев тинч қурилиш давридаги хизматлари учун Ҳурмат белгиси ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий бреллери билан таъдирланди. Само шунқори босиб ўтган ибратли йўлга ҳозир ҳамма ҳавас билан боқаяпти.

Ж. НОСИРОВ.

ХАЛОСКОР АРМИЯ

БОЛГАРИЯ

ВЕНГРИЯ

ЧЕХОСЛО-

ВАКИЯДА



Суратларда: болгар халқи ҳалоскор совет жангчиларини самимий билан кутиб олмақда (юқорида). Будапешт аҳолиси (пастда, чапда) совет солдатларига миннатдорчилик билдирмоқда. Мана бу чех қизаёғи эса бахтиёр жалайиб турибди. Бу бахтни унга совет кишилари бахш этдилар.

ТАСС фотозвоникаси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА МАТБААЧИЛАР ХОТИРАСИ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ҳовлиси матбаачилар, журналистлар, ўзоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган журналистлар ва матбаачилар хотирасига ўрнатилган обелиск-ёдгорликни очиб маросим бўлиб ўтди.

Нашриёт директори И. Ш. Шогуломов матбаачилар босиб ўтган жанговар йўл тўғрисида гапирди. Фашистларга қарши курашда нашриётнинг 250 дан ортиқ ишчиси ва қўллаб-қувватловчи журналистлар иштирок этган эдилар. Уларнинг кўпчилиги душманини қувиб, Берлинга ҳам боришди. Рейхстаг устига ғалаба байроғини тикиб, ўз жонажон қорхоналарига қайтдилар.

Лекин қонли уруш қўрбонсиз бўлмади. 50 дан ортиқ матбаачи ва журналист тенгсиз жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Улар

номи ўчмайди, шон-шувратлари сўнмайди. Ўрнатилган обелискка қурулдош матбаачилар номи зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Нашриёт ишчилари ўзлари ва жангларда ҳалок бўлган дўстлари учун меҳнат қилиб, қаҳрамонлар номига шон-шувратга буркамолдилар.

Митингга сўзга чиққан уруш ва меҳнат ветерани, записдаги старшина А. А. Шаповалов, Туркистон қарбон округи қўшнилари, генерал-майор И. С. Пушков, Ленинград мушкетёри З. Обидов ва бошқалар барча қурулдошларини Буюк ғалабанинг 30 йиллиги байрами билан қизгин кутдилар.

Музыка садолари остида журналист ва матбаачилар хотирасига ўрнатилган обелиск-ёдгорлик юзига тортиб қўйилган парда аста очилди. Обелиск пойи гулчамбарларга бурканди. Иштирокчилар бир зум сўкит сақлаб фронт қаҳрамонларини хотирлайдилар.

Кўзгудай соф кўл ёқасида, Дархатларнинг тим соясига, Гулхан ёқиб, ёнбошлаб жим-жит, Ўйга чўмиб ўлтирар йигит. У нимами ўйлар бу замон! Борганини жангга нотаҳон, Фашистларни ўлдирганини, Истеҳкомни кул қилганини, Бу он ҳал қиларим йигит! Ўй сурди қирғоқда жим-жит...

Госпиталдан чиқиб, қўзғалар, Ўз қисмига яна йўл олди. Ҳаёллари чуқулиб аста, Яна ўйга бўлар пакеаста. Қалбидангиз оша, ўт, қасос, Мардликкага ҳалқис, асос. Она эми, у кўрган олам, Ойи жангдан бўлган дархат. У кўрсатди жангга жасорат, Зафар кўчди, соғайиб тани, Битди жангда олган жароҳат, Жангга йўллар яна Ватани. Қилсин, дед шодлик тантана, У жангларга боради яна. Йўлларда оша, қаққоқлар, Саломатини, жангчи ўртоқлар! Днепрдан ўтганда ўғлон, Дайди бир ўқ этди ярадор.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Бўлди унинг қўлидан яқсон Фашист деган қанча бадқирдор. Ўзбек эли жангга йўллади, Улуғ Ватан уруши йўлида, Жанг истаги кезар ёнда, Шунда кўм-кўк сокин воядиди, Ёнбошда эшитди овоз... Ўйга таниш қиз бўлди пайдо. Ўзбек ўғлини айлал сарфароз, Қўзғаларда танишлик, ибсо. — Таннимизнинг мени, қаҳрамон! Ўйлаб кўргил, яхши, пахлавон! Днепрдан кечганинг даида, Халос бўлган эди эл гандам, Буларнинг урганингда бот, Украина бўлганда овоз, Яраландинг, сени елкада Олиб бордим мен ўша дамда — Госпитарга, не бахт, энди сен Соғайибсан, ҳўрсдан бўлдим мен. — Ўзбек эли мени юборсини, Қардошимнинг улуғ юртига.

Фашистларни даф айла, демиш Иштиқнинг оташ, ўтга, Сўнгги фашист ўлганга қадар, Келгунча охири зафар, Томирда мавжуд экан қон, Қўзғаларда ҳаёт экан жон, Қардошларим тамоман овоз Бўлгунча қилжақман жанг. Ёнинг ҳоли бўлиб тамом танг, Улуғ Ватан бўлаққидир шод. Ўйинг сўлар, қиз солар қўлоқ, Қўзда ёш, икки олар яноқ, Бу — севинчнинг ёши, маржон, Бу — содаст дўсларини шон, Икки қардош учрашиб, кўздан — Ёқили куй янгради шодон. Хайрлашиб қолди қиз йўлда, Жангга кетди баҳодир ўғлон.

НАЗАРМАТ. 1944 йил, сентябрь, Украина.

ФРОНТ ҚЎШИҚЛАРИ

...1942 йил, 30 ноябри, кечаси соат биру ўттиз.

Тошкент вокзали одамлар билан лик тўла. Кўпчилиги ҳарбийлар. Ўзбек халқининг урушдаги фарзандларига қарата ёзган хатларини тинглаб, кўтаринки жанговар руҳда фронтга йўл олаётган Ўзбекистон комсомолни бадий-ташвиқот бригадаси аъзолари ота-оналари, хотин, бола-чақалари ва ёру биродарлари билан хайрлашадилар. Улар тўшган эшелон жойидан аста-секин жилиб, Москва томон олиб кетади.

Бригадани кичкинагина пассажир вагонга ўрнашиб, бир оз дам олиб бўлиш биланок бадий раҳбарини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Музаф-файр ота Мухамедов фронтларда айтаётган қўшиқлар, чалинади-ган қўйлар ва ўқилаётган шеърлар репитициясини бошлаб юборди. Бир бошланганча Москвага етиб борунишда тўхтамади.

Бизнинг биринчи сафаримиз жуда баланд руҳ билан Москва атрофида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида бошланди. Уларнинг кўпчилиги ўзбеклар ва тожиклар, қозоқлар ва қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар ҳамда озарбайжонлар эдилар.

Жангчилар қўлида биз «Правда» газетасининг 1942 йил 31 октябридаги ўзбек халқининг фронтлардаги фарзандларига ёзган хати босилган сонини кўрдик. Бу хат ўзбек ва рус тилида чоп этилган бўлиб, ҳамма десантчилар ҳам бу хатдаги жанговар қаҳриқорларни байжаришга шай эдилар.

Бизларнинг фронт орқасидан олиб борган соғва-саломларимиз, фронтчиларнинг оилалари парти,

совет ва комсомол ташкилотларининг гавҳирлигида тинч-омон яшаётганлари ва фронт учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётганликларига ҳақдаги биз келтирган хат-хабарлар янги қаҳрамонликларга чорларди.

Айниқса, 49-армиянинг деярли барча қисмларида бизларнинг иштирокимиз билан ўқитилган митинг, учрашув ва суҳбатлар ва танпарварлик руҳида ўтарди. Айниқса, Ойбек домланинг бригадаси составида бўлишлари ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки, солдатлар орасида у кишининг китобларини ўқиган, шеърларини ва битган йиғишлар кўп эди. Улар Ойбек домланинг шундай оғир қўнларда ўз йилларида, яхши оқолларда, заминлардада юрганиларини кўриб, беҳад қувониб кетишганди. Улар хизмат қилаётган 49-армиядаги айрим қурулдошлари ҳақида Ойбек домла томонидан шу ернинг ўзини даёқ ёзилиб ўқиб берган шеърларини эшитиб, олам-олам севинчларга тўлардилар.

Бундай шеърлар моҳир мерган ва жуда ақолий қиз Забо Ганиева, 23-фашистини отиб ўлдирган Инром Тошматов, ўн бир фашистини ўлдирган Сайфхўн Саитов, шавкатли Тешабой Одилов, Абдуллажон Турдиев ва бошқаларга бағишланган ёзилган эди. Ойбек домла фронтда ўн саккиз та шеър ва икки та қизил аскарлар қўшиғини яратганди.

Санъаткорларимизнинг ютуқларидан бири шунда эдики, улар бошқа қардош халқлар тилларида ҳам қўйлаб олардилар. Икки юз, уч юз, ҳатто ундан ҳам кўпроқ одам сизадиған ертўлаларнинг одам боши шипига теккудий саҳналари бизларнинг иштирокимизга берилиб қўйиларди. Жангчиларнинг нигоҳлари шамшироқлар билан ёритилган саҳнадан узилмасди. Беҳад инюк ва ўта меҳнаткаш беш оғайин машшоқларимиз рубоби Мухаммаджон Мирзоев (у ҳозир Ўзбекистон

халқ артисти, композитор), найчи Дадавали Соатқулов (ҳозир Ўзбекистон халқ артисти, композитор), ёлжакчи Саид Алиев (ҳозир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон филармониясининг ўзбек чолгу асбоблари оркестрининг бош дирижери), доирачи Шукрулло Ҳамдамов ва гармончи Николай Навиайколар ижросида янграган қўйлар гўё катта оркестрдай тўқилганлиб, улуғ рус ўрмонларини шодликларга тўлдиран, баҳодир ватан ҳимоячиларига завоқшақ бағишлар ва жасоратга чорларди.

Бадий-ташвиқот бригадаси 1942 йил 21 декабрдан 1943 йил 11 январгача бўлган вақт ичиде армия қисмида 36 концерт, 26 митинг, жангчилар ва командирлар билан 7 гуруппали кенгаш ва кўпдан кўп яқма-яқма суҳбатлар ўтказдилар. Айрим ҳарбий қисмларда мерганлар, жанговар активлар йиғилишлари, ўзбек коммунист ва комсомоллар иштирокида мажлислар ўтказилди.

Бугун биз фашист босқинчилар устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини катта тантаналар билан нишонлаб, бир-бирларимизни кўптар эканимиз, бахти-содатимиз учун жон берган баҳодирлар кўз олдимизда намон бўлади.

— Элимизнинг тинчлигини кўз қорачиқдай асраш учун жонажон Ватанимизнинг жангкор фи-доилари бўлинг, азизлар, деганди улуғворлик билан саф тортишиб, кўз ўнгимизда, гавдаландилар.

Ҳа, улар борҳа! Улим билмас у қаҳрамонлар мангу оловлар ёлқинларида, юракларимиз турларида яшайдилар!

Эсон РАҲИМОВ, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг 1941—1946 йиллардаги биринчи секретари, бригада раҳбари.



ТОШКЕНТ ЧИНИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ ҒАЛАБА КУНИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ТЎНАЛАРИ БИЛАН КЎТЎБ ОЛДИ. Суратда: заводнинг бош рас-соми Ботир Собиров (ўртада) Буюк Ғалабанинг 30 йиллигига атаб чиқарилган юбилей совгалини кўздан кечиримоқда. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.